**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**
**TOSHKENT VILOYATI ICHKI ISHLAR BOSH BOSHQARMASI**
**ANGREN SHAHAR ICHKI ISHLAR BOSHQARMASI**
Ind: 110209. Angren shahri, Obod turmush ko'chasi-1. Tel-fax: 202-98-02, 202-87-76, kod 70.
Exat: angren.iib@exat.uz

25/27-127

«02» апрель 2024 йил

**Тошкент вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси давлат меҳнат инспекцияси бошлиғига**

2024 йил 01 апрель куни тахминан соат 16:40 ларда, "ЕКО TON" МЧЖ ХКда кесиш бўлими оператори 01.06.1997 й.т. Маматалиев Азизбек Равшан ўгли Ангрен шаҳар, Грум м.ф.й. 32-уйда жойлашган "ЕКО TON" МЧЖ ХКга тегишли газоблок ишлаб чиқариш заводининг кесиш бўлими газоблокларн тозалаш ускунаси олдида чиқиндилани тозалаётган вақти, мустаҳкам паддон ва кран кўтарувчи ускуналари орасига қисилиб қолган. Натижада А.Маматалиев олган тан-жароҳатлари оқибатида вафот этган.

Ҳодиса содир бўлган жой шаҳар ИИБ тергов-тезкор гуруҳи томонидан кўздан кечирилган ва ҳодиса жойидан видеотасвир ашёвий далил тариқасида олинган.

Хозирги вақтда мазкур холат юзасидан Ангрен шаҳар ҳузуридаги ИИБ Тергов бўлими томонидан терговга қадар текширув харакатлари олиб борилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Сиздан мазкур холат юзасидан махсус текширув ўтказишингизни, текширув бўйича айбдор шахслар доирасини аниқлаб тегишли далолатнома расмийлаштиришингизни, тўпланган хужжатларини қонунда белгиланган муддат ичида Ангрен шаҳар ҳузуридаги ИИБ Тергов бўлимига тақдим этишингизни сўрайман.

**Ангрен шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси капитан** **Ф.Н.Нарзуллаев**

Scanned with CamScanner

**XK MCHJ «ECOTON SHARQ»**
O'zbekiston Respublikasi,
Toshkent viloyati, Angren shahri,
GRUM MFY, Sanoat zonasi
tel.: 95 000-82-28
**www.ecoton.uz**

**ИП ООО «ECOTON SHARQ»**
Республика Узбекистан,
Ташкентская обл., г. Ангрен,
ГРУМ МФЙ, Промзона
тел.: 95 000-82-28
**www.ecoton.uz**

"01" апрель 2024й.

№ 01-62

Тошкент вилояти Бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекциясига

**ХАБАРНОМА**

МЧЖ «ECOTON-SHARQ» Хорижий корхонаси Сизга шуни маълум қиладики, 2024 йил 1 апрел куни соат тахминан 16-41ларда Ангрен шаҳар, Грум маҳалласи ҳудудида жойлашган «Ecoton-sharq» МЧЖ хорижий корхонасида ишловчи кесиш ускунаси оператори 01.06.1994 йилда туғилган Маматалиев Азизбек Равшан ўғли билан ағдарувчи ускунасини кузатиш ишларини олиб бориш жараёнида бахтсиз ходиса юз берди, натижада ходим олган оғир тан жарохати оқибатида ўлим билан якунланди.

Сиздан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.06.1996 йилдаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Низоми асосида ушбу ҳодисани белгиланган тартибда махсус текшириш ўтказиб беришингизни сўраймиз. Ушбу текширишда иштирок этиш учун қуйидаги комиссия аъзоларини таклифини берамиз:

1. МЧЖ «ECOTON-SHARQ» ХК директори Ерсаханов Б.Т.
2. Меҳнат жамоаси вакили Бош мухандис Муйдинов Ж.О.
3. АЖ «KAFOLAT» суғурта компанияси вакили Маматкулов Д.

**«ECOTON-SHARQ» МЧЖ ХК директори** **Ерсаханов Б.**

*Ижрочи: Дедахонов А.Г.*

*Тел: 94 939 22 53.*